

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҚАРОР ВА ИЖРО

ФИРМА НОМИ: ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Танишларимдан бири тадбиркорликка қўл уриб, ояётган янги корхонасига ном қўйишга келганда анча ўйланиб қолди. Бошқаларга маслаҳат солди. Турли хил фикрлар билдирилди. Айниқса, тилшунос дўстимизнинг сўзлари тадбиркорни хушёр торттирди: “Корхона номи – жамоанинг, маҳсулотнинг юзи ҳисобланади. Шу боис ном танлаганда фарзандингизга исм қўйгандек, маъноси ва жарангдорлигига эътибор қаратинг”.

Дарҳақиқат, ўз бизнесини бошлаётганлар учун корхонасига ном қўйиш – масъулиятли вазифа. Айни пайтда мамлакатимизда 300 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти борлигини ҳисобга олсак, бир-бирини такрорламайдиган, янги номларни топиш ҳам осон эмас, албатта.

Фирмаларга ном қўйиш жараёнини энгиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунига мос бўлишини таъминлаш мақсадида номлар захирасини яратиш ишининг йўлга қўйилгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 12 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Қарорга кўра, тадбиркорларга кўмаклашиш мақсадида интернет тармоғида фирма номларининг захира базаси яратилди. Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилмоқда. 2013 йил 1 октябргача мазкур қўмита томонидан 137 мингдан ортиқ фирма номи захирага олингани иш фаолиятини бошлаётган тадбиркорлик субъектлари учун улкан қулайликдир. Жорий йилнинг ўтган даврида очилган 30 мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъектининг номи барча талабларга бемалол жавоб бера олади.

Бундан ўн йиллар аввал фирма номи тўғрисидаги маълумотномани олиш истагидаги тадбиркорлар бевосита давлат статистика органларига келиб, ариза ёзгач, масала уч иш кунда кўриб чиқилар эди. Соҳада замонавий ахборот-коммуникация

технологияларининг кенг жорий этилаётгани самарасида бугунги кунда фирма номини захирага олиш бор-йўғи 4 соат ичида амалга оширилмоқда. Ариза бериш, захирага қўйиш жараёнида, энг аввало, танланган фирма номининг тўғри ёзилиши, менталитетимизга мос бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг иш юритиши анча такомиллашди: тажриба ошиб, ўзига хос маданият шаклланди. Тадбиркор энди ўз маҳсулотини ички ва ташқи бозорда қандай реклама қилишни яхши билади. Дунё билан бўйлашаётган тадбиркорларимиз ўз корхонасига қизиқарли, эсда қоладиган, эътиборни тортадиган фирма номларини танлашга интиломоқда.

Фаолияти юксалиб, экспортга маҳсулот чиқараётган фермер ўзига маъқул фирма номи ёки чиройли савдо бренди танлаб, қайта рўйхатдан ўтиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Бунинг қийин жойи йўқ. Таъсис ҳужжатлари қайта рўйхатдан ўтказилса, фирма ёки ҳўжалик ўзининг янги, замонавий номига эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, корхонанинг юридик номи бошқа бўлса-да, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун алоҳида бренд – савдо белгиси танлаш имконияти ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилда қабул қилинган “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни товар белгиларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза қилинишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Қадимда ҳам хунаромандларимиз ўз товарларига махсус тамғалар билан белги қўйишган. Харидор ана шу тамғалар туфайли ўзига

таниш, юқори нуфузга эга устанинг маҳсулотини бошқалардан ажрата олган. Бугунги кунда товар белгиларидан дунёда кенг фойдаланилади. Товар белгиларидан маҳсулот ва хизмат тақдим этувчилар, яъни ишлаб чиқарувчилар, дистрибьютерлар, чакана ва улгуржи савдо ходимлари, истеъмолчилар, давлат органлари бирдек манфаатдор.

Бугунги кунда тадбиркорлар товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигига тегишли талабнома тақдим этгач, мазкур бренд қонунчиликка мувофиқ муҳофаза қилинишига оид белгилар рўйхатдан ўтказилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, одоб-ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ўзида давлат герби, байроғи ва давлат мукофотлари суратини акс эттирувчи белгилар, давлатнинг расмий номи, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари, мамлакатимизда қўлланиладиган давлат хизматларининг фарқли ва тафовутли тасвирлари, бошқалардан фарқлаш қобилиятига эга бўлмаган белгилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Товар белгиси – буюмга қўйиладиган махсус белги ёки ўзига хос ўров шакли бўлиб, бир ишлаб чиқарувчининг товар ва хизматларини бошқа ишлаб чиқарувчининг худди шундай товар ва хизматларидан фарқлашга хизмат қилади. Ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларни маркировка қиладиган товар белгилари – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини боғловчи муҳим бўғиндир. Бренд эгаси товар белгиси ёнига “R” ёки © кўрinishидаги белгини қўлагани – бу юртимизда рўйхатдан ўтказилганини билдиради.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Сўнгги йилларда бутун дунёда ресурсларни, айниқса, энергияни тежаш долзарб масалага айланиб бормоқда. Бу энергия истеъмоли уни ишлаб чиқаришдан кўра жадал суръатларда ортиб бораётгани билан боғлиқдир. Шу муносабат билан энергия тежаш борасида юқори технологияли услублар, илғор илм-фан ютуқларига асосланган инновацион ва илмталаб технологияларни жорий этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ноанъанавий энергия ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан кенг фойдаланиш учун янги имкониятлар очиб берди.

Айни пайтда мамлакатимизда иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдала-

ниш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари фаол ҳамда самарали амалга оширилмоқда.

Шунингдек, газли ва вакуум услубларида кристал ҳамда кремний плёнкалари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини оптималлаштириш, ярим ўтказгич материал ҳамда приборларнинг электрофизик хусусиятларини назорат қилиш восита ва услубларини яратиш бўйича ижобий тажриба тўпланган. Мамлакатимизда қаттиқ жисм физикаси мутахассислари томонидан кварц бирикмаларидан техник кремний олиш учун қатор самарали технологиялар ҳамда бошқа ярим ўтказгич электрон қурилмалар яратилган. Техник кремний эса қуёш элементлари асоси бўлган тоза кремний олиш учун материал вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида қуёш энергиясини ярим ўтказадиган фотоўзгартиргичларни ишлаб чиқиш ва уларнинг назарий асосларини яратиш, қурама гелиотехник қурилмалар, мустақил таъминот манбаларини лойиҳалаштириш, юқори ҳароратли гелио-материалшунослик, турли мақсадлар учун мўлжалланган биоэнергетика манбалари соҳасида илмий мактаблар шакллانган.

2-бетда

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг



тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

НИЗОМЛАР ЯНГИЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 23.10.2013 йилдаги 287-сонли қарори билан Ҳукуматнинг айрим қарорларини Вазирлар Маҳкамасининг «Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (20.08.2013 йилдаги 230-сон) мувофиқлаштириш мақсадида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

• Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 20.08.2003 йилдаги 357-сон қарорига 1-илова) келтирилган юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш ёки таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига қуйидагиларга олдиндан розилик бериш тўғрисида монополияга қарши органнинг қарори ҳам киритилди:

ҳўжалик юритувчи субъектлар бирлашмалари ташкил этишга;

қўшиб юбориш, бўлиб юбориш, ажратиб чиқариш ёки қайта тузиш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан тузиладиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида ҳўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга;

устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) сотиб олиш бўйича битимлар содир этишга; таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, ҳўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга.

Шуни эслатиб ўтамоғимизки, юқорида айтиб ўтилган юридик шахсни ёки битимларни қайта тузишга монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда олиш лозим.

• Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 28.10.2010 йилдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган қўшимчаларга мувофиқ ушбу ҳужжатнинг амал қилиши монополист корхоналар ва табиий монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган молиявий хизматларга татбиқ этилмайди.

Шунингдек унга киритилган қўшимчага мувофиқ товарларни етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда тасдиқланган ёки белгиланган харид нархлари (тарифлар)нинг истеъмолчи томонидан пасайтирилиши мазкур Низом талабларини бузиш ҳисобланади.

Низомга етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг белгиланган харид нархлари (тарифлари) пасайтирилиши оқибатида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан олинган маблағларнинг ҳисоб-китоби тартибини аниқловчи меъёр киритилди.

• Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга (ВМнинг 30.12.2012 йилдаги 374-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган қўшимчалар билан монополияга қарши тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда бирлашмалар ва корхоналар фаолияти устидан назорат олиб бориш соҳасида Қўмитанинг ваколатлари кенгайтирилди. амалга оширади.

2-бетда

ЎЗБЕКИСТОНДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА



1-бетда

Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институти қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, гелиоматериалшунослик, асбобсозлик соҳаларидаги фундаментал тадқиқотлари ва илмий-техник ютуқлари, шунингдек, юқори малакали илмий кадрлари билан шуҳрат қозонган.

Масалан, бу ерда энергия таъминоти тизимлари учун стирлинг двигатели базасида ишлайдиган турли қувватга эга ноёб қурилмалар ишлаб чиқилгани эътиборлидир. Бундан ташқари, ушбу қурилмалар бир пайтнинг ўзида алоҳида истеъмолчини электр энергияси, иссиқ сув билан таъминлаш ва ҳавони совутиш учун мўлжалланган. Стирлинг двигатели истаган иссиқлик манбаи ёрдамида, шунингдек, турли шароитларда, ҳатто сув ости ва фазода ҳам ишлаш имкониятига эгаллиги билан ажралиб туради. Бу борада қуёш энергияси, радиоизотоп манбаи, биогаз ёки оддий ёқилғи иссиқлик манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, 5 кВт электр қувватига эга стирлинг двигатели иситиш ва майший эҳтиёжлар учун қарийб 20 кВт иссиқлик ишлаб чиқариши мумкин. Аксарият давлатларда ушбу қурилмаларга катта қизиқиш билдирилмоқда.

«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари фермер хўжаликлари учун махсус ишлаб чиққан қудуқдан сув олиш фотоэлектр қурилмаси бир кунда 60 куб метр сув олиш имконига эга.

Физика-техника институти жамоаси учта инновация, 10 илмий-техника, 7 фундаментал ва битта ёшлар лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши муқобил энергия манбалари салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 мартда имзоланган Халқаро қуёш энергияси институти ташкил қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институти мамлакатимизда муқобил энергия манбалари соҳасини ривожлантиришнинг манتيқий давоми бўлди. Мазкур илмий даргоҳ қуёш энергиясидан саноат қўламини фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга оширади, илғор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси потенциалидан амалий фойдаланиш бўйича тақлифлар тайёрлайди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ЭЪЛОНЛАР	
ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР	
Кучмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.	
Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича адвокат, юридик хулосалар бериш. МЧЖ, ХКни мутлақ сифат даражасида рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел.: 936-06-02, 970-65-91.	
ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.	
ХИЗМАТЛАР	
1С: 7.7 Бухгалтерияга ўқитиш ва ўрнатиш. Тел. (+998 94) 608-79-81.	
Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.	
Архитектура лойиҳалари ва дизайн*. Тел.: (+998 91) 162-60-17.	
Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан. Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz	
Ташкилотлар учун компьютер ва майший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.	
*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.	

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



1-бетда

Энди Қўмита илгаригидек, нафақат рақобатга қарши хатти-ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)нинг асоссиз ўсишини, балки товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларга нархлар асоссиз ўсишини аниқлайди ва уларнинг олдини олади. Қўмита шунингдек улар кўрсатадиган молиявий хизматлар нархлари устидан мониторингни

• Ўзбекистон республика товар-хонм ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомдаги (ВМнинг 11.06.2013 йилдаги 166-сон қарори билан тасдиқланган) «махсулотларнинг монополь турлари» тушунчасига тузатишлар киритилди. Энди мазкур турларга корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган, товар бозори ва молия бозоридаги товарлар (ишлар, хизматлар) киритилади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДАСТУР

Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган давлат университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (29.10.2013 йилдаги 290-сон) қарори билан минтақа иқтисодиёти учун малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Ҳужжатда Наманган давлат университети фаолиятини ўрганишда бир қатор камчиликлар ва муаммолар аниқланганлиги таъкидланган. Ўқув-тарбия жараёнини ва илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишда, кадрларни жой-жойига қўйишда йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун Университетнинг ректори Й.Раҳимов эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Қарорда таъкидланишича, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги раҳбарияти томонидан зарур даражадаги эътиборнинг мавжуд эмаслиги камчиликларга сабаб бўлди.

Қарор билан камчиликларни бартараф этиш ва ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш мақсадида Наманган давлат университети фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастур қуйидагиларга йўналтирилган:

раҳбарлар ва профессор-ўқитувчилар таркибини мустаҳкамлаш, раҳбарлик ва ўқитувчилар лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг замонавий таълим ва педагогик технологияларни қўллаш бўйича малакасини ошириш;

ўқув жараёнида халқаро тажриба асосида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш воситасида талабаларнинг билимлари даражасини ва уларни ўқитиш сифатини ошириш — ўқув жараёнига мультимедия дастурлари ўқитиладиган компьютер дастурлари воситаларини кенг жорий қилган ҳолда лекциялар (видеолекциялар) туркумини ташкил қилиш, барча фанлар бўйича ўқитишнинг интерфаол усуллари (кейс-стади, лойиҳа презентациялари ва ҳ.к.) қўллаган ҳолда амалий машғулотлар ўтказиш;

университетнинг моддий-техника таъминотини такомиллаштириш, ўқув аудиторияларини, лабораторияларни ўқитишнинг замонавий воситалари, шу жумладан компьютер техникаси билан жиҳозлаш ва бошқалар.

Наманган давлат университети раҳбар кадрлари ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказиш учун Комиссия тузишга қарор қилинди, унга аттестация натижаларига қараб университетни юқори малакали, замонавий талабларга жавоб берадиган раҳбар кадрлар ва профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминлаш вазифаси топширилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига университетнинг таълим йўналишлари ва фанлари бўйича дастурларни ва ўқув режаларини кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, университет кафедраларининг ўқув-тарбиявий, илмий, илмий-услубий фаолиятини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш топширилди. Бундан ташқари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар университет талабаларининг малакали амалиёт уташлари учун вилоят муассасалари ва ташкилотлари рўйхатини белгилашлари лозим.

2014 йил ва кейинги йиллар учун Инвестиция дастурини шакллантиришда Наманган давлат университетининг объектларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва тегишли капитал қўйилмаларни жалб этган ҳолда қурилиш-тиклаш ишларини ўтказиш назарда тутилгани белгилаб қўйилди.

«ЎЗБЕККЎМИР» ОАЖ «ЎЗБЕККЎМИРСАНОАТ ИТЛИ» МЧЖ МУАССИСИ

Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2013 йилдаги 292-сон қарори билан «Ўзбекистон кўмир саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти» МЧЖ фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар белгиланди.

«Кўмирлоийҳа LTD» МЧЖ қатнашчиларининг умумий йиғилишининг «Ўзбеккўмир» ОАЖни устав фондидаги камида 51% миқдоридаги улўш билан «Кўмирлоийҳа LTD» МЧЖ муассислари таркибига киритиш; «Кўмирлоийҳа LTD»ни Ўзбекистон кўмир саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти («Ўзкўмирсаноат ИТЛИ» МЧЖ) деб қайта номлаш тўғрисидаги қарори маълумот учун қабул қилинади.

«Ўзкўмирсаноат ИТЛИ» МЧЖ буюртмачилар маблағлари, унинг ўз фаолиятидан олган даромадлари, халқаро молия ва донор ташкилотларнинг грантлари, вазирликлар ва идораларнинг маблағлари ва бошқа манбалардан молиялаштирилади.

Ҳужжат билан белгиланишича, «Ўзкўмирсаноат ИТЛИ» МЧЖ филиали Ангрен шаҳрида жойлаштирилади, у ерда унга «Ўзкўмирсаноат ИТЛИ» МЧЖнинг устав фондидаги «Ўзбеккўмир» ОАЖ улуши ҳисобига бозор қиймати бўйича бино берилади.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	8.11.2013	1	0,7843	1	1,0516	1	0,0242
Арманистон	8.11.2013	1	405,95	1	545,03	1	12,47
Беларусь	12.11.2013	1	9250,00	1	12360,00	1	283,00
Грузия	11.11.2013	1	1,6787	1	2,2528	100	5,1576
Қозоғистон	11.11.2013	1	153,60	1	206,09	1	4,72
Қирғизистон	12.11.2013	1	48,6792	1	65,1571	1	1,4904
Латвия	11.11.2013	1	0,525000	1	0,702804	1	0,016100
Литва	12.11.2013	1	2,5821	1	3,4528	1	0,078955
Молдова	11.11.2013	1	12,9025	1	17,3158	1	0,3966
Россия	9.11.2013	1	32,5479	1	43,6305	—	—
Тожикистон	11.11.2013	1	4,7719	1	6,5010	1	0,1501
Украина	14.10.2013	100	799,3000	100	1084,3304	10	2,4813
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 12 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари.....	2048,43	1 Польша злотийси.....	697,55
1 Англия фунт стерлинги.....	3495,48	1 СДР.....	3338,40
1 Дания кронаси.....	391,07	1 Туркия лираси.....	1071,73
1 БАА дирҳами.....	594,33	1 Швейцария франки.....	2367,06
1 АҚШ доллари.....	2182,90	1 ЕВРО.....	2951,42
1 Миср фунти.....	316,89	10 Жанубий Корея вони.....	20,39
1 Исландия кронаси.....	17,83	10 Япония иенаси.....	220,52
1 Канада доллари.....	2084,71	1 Россия рубли.....	67,07
1 Хитой юани.....	358,47	1 Украина гривнаси.....	273,10
1 Малайзия ринггити.....	682,18		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

• ҚАРОР ВА ИЖРО

- Фирма номи: танлаш имконияти ва масъулияти

- Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари салоҳияти юксалмоқда

1-2-бетлар

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

- Валюталар курси

1-2-бетлар

• АУДИТОР ХАБАРНОМАСИ

- Микродаражада назорат қилиш керак

- Низом қўллаш учун йўриқнома сифатида

- Аудиторга биржа керакми?

- Малака доимо ошиб бориши керак

- «Қатнов тусига эга», ёки йўл картаси қандай расмийлаштирилади

- Баҳо ҳам бир сиёсат ёки арзон хизматларга учманг

- IFAC давлат сектори учун стандартлар лойиҳаларини эълон қилди

3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Касал бўлган ходимни ишдан бўшатиш

- Бухгалтериядаги магистрант

- Кўрсатма бўйича ишга

- Ўриндошлик вақт билан чекланган

7-бет

• КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН

- Қаллоблик ёки истеъдод ҳайф, агар у тўғри ўзанда бўлмаса

8-бет

Аудитор хабарномаси



Ушбу сонда:

- Микродаражада назорат қилиш керак
- Низом қўллаш учун йўриқнома сифатида
- Аудиторга биржа керакми?
- Малака доимо ошиб бориши керак

- «Қатнов тусига эга», ёки йўл картчаси қандай расмийлаштирилади
- Баҳо ҳам бир сиёсат ёки арзон хизматларга учманг
- IFAC давлат сектори учун стандартлар лойиҳаларини эълон қилди



ИЧКИ АУДИТ

Корхонада ички хўжалик молиявий назоратини ташкил этишда молиявий менежмент ва ички аудит хизматларига етакчи роль ажратилади. Ички аудит кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ёки бошқарувга бўйсунди, айтилиб, молиявий менежмент хизмати корхона раҳбариятига тегишлидир. Аудит хизматининг бундай алоҳидалиги бошқарувнинг бутун тизимини ҳолис баҳолаш имконини беради. Ички аудит ишлаб чиқариш ва молиявий жараёнларни текшириб, кейин раҳбариятга таҳлил ва камчиликларни яхшилаш ёки бартараф этишга оид тавсияларни тақдим этишни назарда тутди.

Ушбу назоратнинг Британия ички аудиторлар институти таклиф этган таърифига мурожаат қиламиз: “Ички аудит – ташкилот ичида унинг фаолиятини текшириш ва самарадорлигини белгилаш учун мустақил баҳолаш. Ички аудит мақсади – ташкилот аъзоларига ўз вазифаларини самарали бажаришда ёрдам бериш. Аудит бунинг учун уларга таҳлил, баҳолаш маълумотлари, тавсиялар, маслаҳатлар ва текшириладиган объектлар тўғрисида ахборот тақдим этади”. Шу тариқа, ички аудит нафақат молиявий операцияларни юритишнинг легитимлиги масалаларини ҳал қилади, балки режаслаштириш, маркетинг тадқиқотлари билан ҳам шугулланади ва молиявий стратегияларни ишлаб чиқади.

МИКРОДАРАЖАДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ КЕРАК

Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (16.10.2006 йилдаги 215-сон) билан Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида низом (бундан кейин – 215-сон Низом) тасдиқланган.

Ташқи аудитор ўз ишининг хусусиятларига кўра корхона молиявий фаолиятининг доимий назоратини таъминлай олмайди. Ички аудитор эса хўжалик юритувчи субъектда узлуксиз ишлайди, чунки ички аудит хизматининг (бундан кейин – ички аудит) фаолияти корхонада ички назоратнинг бир қисми ҳисобланади.

Ички аудитнинг асосий мақсади – корхонанинг барча воқеалари сақланишини ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий муаммолар юзага келганда унинг барқарор ҳолатини таъминлаш, корхонанинг хўжалик, ишлаб чиқариш, таъминот-сотиш ва молиявий фаолиятини кузатиш, иқтисодий самарадорликни, иқтисодий, юридик ва техник ахборотнинг ишончлилигини назорат қилиш. Бундай назорат вазиятни таҳлил қилиш ҳамда хўжасизлик ва талафотларга, шу жумладан молиявий талафотларга олиб келадиган нуқсонларни ўз вақтида бартараф этишга имкон беради.

Бундан ташқари, ички аудит корхонанинг иқтисодий сиёсатига, шу жумладан ҳисоб сиёсатига риоя этилиши-

ни, ички хўжалик назорати – ишлаб чиқариш, технологик, маъмурий, экологик назорат амал қилишини, молиявий менежментнинг назорат вазифалари бажарилишини баҳолайди. Пировардида ички аудит фаолиятга ҳолис баҳо ҳамда ишни яхшилаш ва энг яхши натижаларга эришиш бўйича тавсиялар бериши керак.

Бундай қараганда, ички аудитни молиявий стратегия хизмати бажариши мумкиндек кўринади. Бироқ бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки ички аудиторнинг ҳолис ва профессионал ишини таъминлаш қоидаларидан бири – мустақилликдир. Бир томондан, уни сақлаган ҳолда ички аудитор тавсиялар бериши ва компания ишини ичидан туриб таҳлил қилиши керак, бошқа томондан эса – хизмат ходимлари тўғридан-тўғри раҳбариятга тобе, чунки иш берувчи-ҳодим муносабатлари мавжуд. Айтилиб, шу билан ички аудитор ташқи аудитордан фарқ қилади. Ички аудит хизматининг мустақил мақоми компаниянинг бошқа бўлинмаларига нисбатан ҳам зарур. Акс ҳолда ҳисоб сиёсатини эксперт баҳолашнинг ва ишончли молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг самарадорлиги йўқолади.

Турли корхоналар ички аудиторлари кооперацияси, тажриба алмашиш ва мунтазам равишда малака ошириш зарурати мавжуд. Ушбу институтга дунёнинг барча мамлакатларида эътибор берилади. Мутахассислар орасида энг обрўли ташкилот ҳисобланган Буюк Британия ички ау-

Мавзувий сонни Ольга КИРЬЯКОВА олиб боради.

диторлар институти (Institute of Internal Auditors (IIA) уни ўрганиш билан шуғулланади. У томонидан профессионал фаолият стандартлари ишлаб чиқилган, унда куйидагилар назарда тутилади: профессионал одоб кодекси; узлуксиз профессионал тайёргарлик; ички аудиторларнинг малака имтихонлари; сифат назорати; аудиторлик кўмитаси ва ташқи аудиторлар талаблари; ички аудит самарадорлиги талаблари.

Институт томонидан ишлаб чиқиладиган профессионал стандартлар IIA мутахассисларининг тушунтиришлари билан бирга Ички аудит тўғрисида низом кўринишида чиқарилади. Ички аудит бўлини маси фаолиятини баҳолаш ва ўлчашнинг бешта асосий мезонини келтирамиз:

- унинг аудит қилинадиган фаолиятдан мустақиллиги ва ички аудиторларнинг ҳолислиги (ташкилий мақом; холислик);

- ички аудиторларнинг профессионализми ва улар риоя этадиган профессионал синчковлик (эҳтиёткорлик) (ҳодимлар штатининг профессионал маълумот даражаси; ички аудиторларнинг билимлари, маҳорати ва интизоми; иш сифатини назорат қилиш; Одоб кодексига риоя этиш; хизматлардан фойдаланувчилар билан мулоқот қилиш маҳорати);

- ички аудит бажарадиган ишлар ҳажми (ахборотнинг ишончлилиги ва пухталигини текшириш; қонунлар, қоидаларга, шунингдек ташкилотда белгиланган сиёсат, режалар ва таомилларга мувофиқлик; активларнинг сақланишини асослайдиган чора ва таомиллар; ресурслардан тежаб ва самарали фойдаланиш; бажаришни текшириш);

- ички аудит усуллари (режалаштириш; ахборотни текшириш, баҳолаш ва ҳужжатлаштириш; аудит натижалари бўйича ҳисобот);

- ички аудит бўлини масини бошқариш (унинг мақсадлари, ваколатлари ва жавобгарлиги тўғрисида низом; ишни режалаштириш; сиёсат ва таомиллар; ходимларни бошқариш ва уни ривожлантириш; ташқи аудиторлар билан ҳаракатларни мувофиқлаштириш; сифат кафолатлари; ишларнинг энг кам таннари).

Британия институти томонидан ишлаб чиқилган ички аудит стандартлари ушбу хизмат мутахассисларига доир универсал талабларни акс эттиради. Унинг Ўзбекистонда зарурлигини бошқа мамлакатларда бўлганидек куйидаги сабаблар юзага келтирган: корхоналар ташкилий тuzилмасининг мураккаблашуви (муассислар, ҳамкорлар, шуъба компаниялар ва ҳоказолар доираси); фаолият турлари хилма-хиллиги ва уларни кооперациялаш имконияти; бўлини малар, филиалларнинг бош корхонадан узоқдалиги; раҳбариятнинг молиявий хизматлар ва бошқарувнинг барча даражаларидаги менежерлар ҳаракатларига етарлича ҳолис ва мустақил баҳо олишга интилиши. Ички аудитни ташкил этишни талаб қиладиган омилларнинг халқаро хусусиятини ҳисобга олган ҳолда IIA қабул қилган стандартлар ички аудитор ишини имкони борида сифатли ва самарали бажариш, шунингдек жаҳон тамойиллари ва стандартларига мослашиш имконини беради.

Ички аудит хизмати фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони – тавсиялар натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар ва ресурслар талафотининг олдини оладиган эришилган ижобий натижалардир. Ташқи аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботларда жиддий хатоларнинг аниқланмаганлиги ҳам муҳим мезон ҳисобланади.

Ички назоратда компаниянинг хўжалик-молиявий барқарорликни таъминлаш учун жавобгар барча бўлини маларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши муҳим.

Ушбу назорат ички ишлаб чиқариш, маъмурий, технологик, санитария-эпидемиологик, тарози-ўлчов соҳалари, техник назорат бўлини малари (участкалари), бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари ва бошқа соҳаларни қамраб олиши керак.

Корхона ишининг самарадорлигини баҳолашда бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш керак.

Ташкил этиш. Корхона таркиби аниқ-равшан белгиланиши керак: иш ҳажмлари, раҳбарлар ва ҳар бир ходимнинг вазифаларини бутун ташкилий таркиб ва ҳисобот усуллари назарда тутадиган режа билан белгилаш керак.

Вазифаларни тақсимлаш. Бу имкони борида сифатли ички назоратни таъминлашнинг энг керакли жиҳатларидан биридир. Агар меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзосига ўз жавобгарлиги доираси (лавозим йўриқномалари) белгиланган, раҳбариятда эса ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичи самарадорлигини баҳолаш имконияти бор бўлса, бундай ёндашув ички назоратни энг мақбул тарзда амалга ошириш имконини беради.

Моддийлик. У ёки бу мансабдор шахснинг моддий бойликларни тасарруф эта олиши ва бундан келиб чиқувчи тегишли жавобгарлиги ҳужжат билан белгиланиши керак.

Рухсат бериш ва маъқуллаш. Барча рухсатномалар ва тақиқларни тегишли мансабдор шахс назорат қиладиган тартибни белгилаш лозим. Унинг ваколатлари ҳужжатда қайд этилиши керак.

Арифметик ҳисоб-китоблар ва ҳисоб. Аввало бу – молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисобида ёзувларнинг тўғрилигини назорат қилишдир. Ҳисобда бажарилган операцияларнинг аниқлиги, унда операцияларни акс эттиришнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги сақланиши керак.

Ходимлар. Корхона ишининг сифати тўғридан-тўғри унинг ходимлари профессионализмига боғлиқ. Малакали кадрларни танлаб олиш, уларни ўқитиш ва малакасини мунтазам ошириш юзасидан ғамхўрлик қилиш зарур. Бунда ходимларнинг профессионал ва шахсий хусусиятлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Назорат. Ҳар қандай ишлаб чиқаришда назорат, хусусан олинган ахборот масъул шахслар ҳисоботида акс эттирилиши зарур.

Бошқариш. Бу – барча кузатиладиган элементларни қамраб оладиган ҳамда кузатиш ва назоратнинг ҳамма таомилларини қўллайдиган бутун иш жараёнини назорат қилишнинг юксак даражаси. Бошқариш чоғида корхонада қабул қилинган режалар ва бюджетлар ҳамда ҳақиқатдаги натижаларнинг мувофиқлигини текшириш зарур.

Ички назорат ҳар қандай ҳолда, корхона ҳажми ва унинг ходимлари сонидан қатъи назар, амалга оширилиши керак. Айни у корхонадаги реал вазиятни, унинг хўжалик фаолияти муваффақиятли эканлигини кўрсатиш ҳамда эҳтимолий хатарлар ва талафотларнинг олдини олиш имконини беради. Кичик корхона раҳбари кўпинча юқорида саналган омилларни мустақил баҳолайди.

Корхонадаги ички назоратни тўғри йўналтириш учун уни ўтказиш таомилларини белгилайдиган ҳужжатларни қабул қилиш зарур. Ички аудиторларнинг мансаб мажбуриятлари ва уларга доир талаблар 215-сон Низомда белгиланган. Амал қилувчи механизмларни яратиш мақсадида ички назорат регламентларини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз, уларда ички хўжалик назорати, шу жумладан ички аудит хизматининг мақсад ва вазифалари белгиланиши керак.

Миновар ТЎЛАХЎЖАЕВА,
и.ф.д., Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар
миллий уюшмаси Кенгашининг раиси.

НИЗОМ ҚЎЛЛАШ УЧУН ЙЎРИҚНОМА СИФАТИДА

Ички аудит институти Ўзбекистонда нисбатан яқинда шакллана бошлади. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси ҳамда Аудиторлар палатаси ички аудитор сертификатини олишга дастлабки имтиҳонларни 2012 йил декабрда қабул қилдилар. Ушбу профессионал бирлашмалар ички аудит фанларини ўрганиш курслари ва малака имтиҳонларини мунтазам ўтказиб келяпти, уларнинг натижалари бўйича ички аудитор сертификатлари берилади. Сертификатларни олган янги мутахассислар республика корхоналарида ўз фаолиятларини юрита бошлайдилар.

Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида низом (ВМнинг 16.10.2006 йилдаги 215-сон қарорига 2-илова, бундан кейин – 215-сон Низом) билан активларининг баланс қиймати 1 млрд сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган ягона талаблар белгиланган. Корхона раҳбарияти ушбу хизмат фаолиятини тартибга солишдан манфаатдор бўлиши керак, чунки бу унинг иши имкон борида сифатли бўлиши учун зарур. Айни шу сабабли мансаб мажбуриятлари ва хизматнинг, шу жумладан унинг фаолияти самарадорлиги учун ҳам жавобгарлиги соҳасини назарда тутиш ва ҳужжат билан қайд этиш керак. Бунинг учун ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва унда мазкур хизмат мутахассисларининг базавий мажбуриятларини мустаҳкамлаш керак.

“Marikon Audit” МЧЖ аудиторлик компанияси Ўзбекистон корхоналари учун Президентнинг “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (27.09.2006 йилдаги ПҚ-475-сон) талабларига мувофиқ келадиган ана шундай ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни ишлаб чиқди. У ўз ичига: умумий қоидалар; ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари; унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; бу хизматга қўйиладиган талаблар; ички аудит хизматининг мустақиллиги; ички аудит ўтказишга ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар; ички аудит хизматининг жавобгарлигини олади.

Ички аудит ишининг тақдим этилаётган низомда мустаҳкамланган баъзи жиҳатларини кўриб чиқамиз. Чунончи, корхона ишини баҳолаш чоғида тасдиқланган бизнес-режа бажарилишига; корпоратив бошқарув принципларига риоя қилинишига; бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатига; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишига; молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишига; активлар ва ички назорат ҳолатини текширишга эътибор қаратиш тавсия қилинади. Баҳолаш натижалари бўйича ички аудит хизмати қилинган иш ҳақида йиғма ҳисобот ва корхона бўлинмалари фаолиятини тартибга солиш бўйича тавсиялар тайёрлайди. 215-сон Низомга мувофиқ йиғма ҳисобот тахлилий қисм, якуний қисм ва тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олиши керак.

Тахлилий қисмда ички аудиторлар томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги ахборотни акс эттириш, якуний қисмида эса корхонанинг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳо бериш тавсия қилинади. Шунингдек унда аниқланган қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ҳамда корхонанинг

молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир тавсиялар берилади.

Йиғма ҳисоботга доир талаблардан ташқари, корхонада қабул қилинган низомда ҳисоботни кузатувчи кенгашга тақдим этиш муддатларини қайд этиш тавсия этилади. Уни чораклик текширув натижалари бўйича тайёрлаш учун мақбул муддат – 10 кун. Бунда шуни тушуниш лозимки, ҳисобот ортиб борувчи якун билан бажарилиши керак, бироқ унда олдинги босқичда бартараф этилган нуқсонларни кўрсатмаслик даркор.

Режали ишдан ташқари, ички аудит махсус масалалар бўйича ҳам ўтказилиши мумкин. Шу сабабли корхонада қабул қилинган низомда махсус текшириш натижалари бўйича ҳисоботни тақдим этиш муддатларини ҳам акс эттириш керак – уни тайёрлашга 3 кун етарли.

Ички аудит хизматининг мустақиллигига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ушбу муҳим шарт 215-сон Низомда қайд этилган. Бироқ, хизматнинг мустақиллигини сақлаш мақсадида ҳисобга олиш зарур бўлган омиллар мавжуд. Масалан, қариндошлик алоқаларининг борлиги. Чунончи, “Marikon Audit” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатда қайд этилган бандларга кўра ички аудиторлар корхонада раҳбар лавозимларни эгаллаган, шунингдек молиявий хизматда ишлайдиган ходимлар билан яқин қариндош бўлмасликлари керак. Ички аудит муваффақиятли ўтказилишининг мезони бўлиб корхоналар фаолиятини мақбуллаштириш ва аудиторлик текшируви давомида топилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича таклифларни амалга ошириш ҳисобланади.

Бироқ жавобгарликни ҳам унутмаслик керак, уни корхонада қабул қилинган низомда белгилаб қўйиш лозим. Чунончи, текширишлар натижалари бузиб кўрсатилганлиги; ички аудиторларга тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган корхонанинг тижорат сирини ташкил этадиган ахборотнинг махфийлигига риоя қилинмаганлиги; олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилиши таъминланмаганлиги; аудит давомида аниқланган қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича чораларнинг етарли эмаслиги ва корхона молия-хўжалик фаолиятининг самарадор эмаслиги – булар хизматга жавобгарлик чораларини қўллашни тақозо этадиган муҳим омиллардир.

“Marikon Audit” МЧЖ компанияси томонидан ишлаб чиқилган ички аудит хизмати тўғрисидаги низом намунаси эркин фойдаланиш учун norma.uz порталида жойлаштирилган.

Наталья КОНДРАТОВА,
“Marikon Audit” МЧЖ молия директори.



АУДИТОРГА БИРЖА КЕРАКМИ?

Электрон биржа савдолари бозоримизда нисбатан яқинда пайдо бўлди. Улар Президентнинг “Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори (7.02.2011 йилдаги ПҚ-1475-сон) билан давлат корхоналарининг эҳтиёжларини таъминлаш учун ташиқил этилган. Жорий йилда Президентнинг “Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида”ги қарори (5.04.2013 йилдаги ПҚ-1948-сон) билан биржа савдолари иштирокчиларининг рўйхати устав фондида давлат улуши 50%дан кўп бўлган табиий монополиялар субъектлари, давлат унитар корхоналари ва хўжалик жамиятлари ҳисобига кенгайтирилди.

Аудиторлар палатасига шундай савол келиб тушди: аудиторлик хизматлари устун даражада давлат улушига эга бўлган табиий монополиялар субъектлари, корхона ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржасининг устун даражада давлат улушига эга бўлган табиий монополиялар субъектлари, корхоналар ва ташкилотларнинг электрон харидлари бўйича махсус ҳукумат комиссияси белгилайдиган электрон кимовди савдоларида сотиб олинадиган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг товарлари (ишлари, хизматлари) рўйхатига кирадими?

Кизиқиш тушунарли. 2012 йилги аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг таҳлили аудиторлик текширишларини ўтказишга доир шартномаларнинг 51%и истеъмолчиларнинг айна шу қисми билан тузилганлигини кўрсатади. Мазкур гуруҳ республика аудиторлик ташкилотлари бутун тушумининг 64%ини таъминлади (ушбу ҳисоб-китобга уларнинг бундай истеъмолчиларга профессионал хизматлар кўрсатишдан олган тушуми кирмаган).

Иқтисодиёт субъектларининг янгиликдан фойда олиши тушунарли. Бу кам деганда харидлар таомилларининг очиқ-ошкоралиги ва очиқ рақобат ҳисобига маблағлар тежалишини англатади. Кимовди савдолари натижалари билан Молия вазирлиги ва Давлат рақобат қўмитаси сайтларида, шунингдек Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси (бундан кейин - ЎзРТХБ) порталида танишиш мумкин.

Электрон харидлар бўйича ҳукумат комиссияси Президентнинг ПҚ-1948-сон қарорига кўра Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган. У ўзининг 31.07.2013 йилдаги 1-сон баённома қарори (бундан кейин - Баённома) билан 300 мингдан 100 минг АҚШ доллариғача эквивалент суммада бир контракт бўйича ЎзРТХБ ўтказадиган электрон савдоларда ушбу субъектлар томонидан сотиб олинадиган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари товарлари (ишлари, хизматлари) гуруҳларининг рўйхатини (бундан кейин - Рўйхат) тасдиқлади. Унга товарлар (ишлар, хизматлар)нинг 16 гуруҳи кирган. Рўйхатга аудиторлик хизматлари киритилмаган. Бироқ Рўйхат келгусида ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин.

Агар Рўйхатга аудиторлик хизматлари ҳам кирса, аудиторлик ташкилотлари учун нима ўзгаради?

Республика комиссиясининг қарорига кўра устун даражада давлат улушига эга бўлган табиий монополиялар субъектлари, ташкилотларга 2013 йил 1 августгача тузилган шартномаларни уларда назарда тутилган муддатларда, бироқ жорий йил охиридан кечиктирмай бажариш ҳуқуқи берилган (Баённоманинг 7-банди). Бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ устав капиталида давлатнинг устун улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобот умумий йиғилишларини устав билан белгиланган муддатларда, бироқ молия йили тугаганидан кейин 6 ойдан кечиктирмай ўтказадилар. Акциядорлар (муассислар) ҳисобот умумий йиғилишида аудиторлик текширишини ўтказиш, аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига ҳақ тўлашнинг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисида қарорлари ҳам қабул қилинади. Бунинг маъноси шуки, мажбурий аудиторлик текширишдан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик ташкилотларини одатда ҳар йилнинг 1 августигача танлайдилар. Аудиторлик хизматларининг ўзига хослиги шундаки, жорий йилда тузилган шартномалар кейинги йилда - молия йили тугаганидан ва унинг якунлари бўйича молиявий ҳисобот тузилганидан кейин ёпилади.

Шу сабабли мажбурий аудиторлик текширишлари бўйича хизматлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган истисно ҳол ҳисобланади деб фикр юритиш мумкин, Президентнинг ПҚ-1948-сон қарорига мувофиқ жорий йилда Рўйхатга кирмаслиги эҳтимол. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари эса унга истикболда киритилиши мумкин.

Савдоларнинг ўзига хослиги шундаки, товарларни (хизматларни) буюртмачига етказиб берадиган у ёки бу ташкилотни танлашда нарх ҳисобга олинади: нарх қанча паст бўлса, контрактга эга бўлиш имкониятлари шунча юқоридир. Бундай савдоларнинг устувор жиҳати - нарх. Агар аудиторлик хизматлари Рўйхатга кирса, аудиторлик ташкилотлари ЎзРТХБда аккредитация қилинган

брокерлик идоралари билан шартномалар тузишлари, ўз оферталарини ва, ҳусусан, нарх таклифини тўғри тайёрлашлари керак бўлади.

Бунда аудиторлик хизматлари бозорининг ўзига хослигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Мажбурий аудит хизматларини етказиб боровчинини танлаш мавсуми ҳар йили июль-август ойларига тўғри келади. Ҳар бир аудиторлик ташкилоти электрон харидлар якунида уларни қайси хўжалик юритувчи субъектлар танлашини билмаган ҳолда барча савдоларда иштирок этишга интилади. Аудитор энди бўлгуси миқдорнинг раҳбарияти билан учрашмаслиги, умумий йиғилишларда иштирок этмаслиги мумкин. Амалда унинг биржа эълонларини кузатиши ва ўз вақтида буюртманомалар бериши етарлидир. Демпинг нарх белгилаш чоғида бир аудиторлик ташкилоти кўпчилик истеъмолчилар томонидан танланиш ва аудиторлик хизматлари бозорининг катта қисмини эгаллаб олиш имкониятига эга бўлади. Ушбу хизматлар истеъмолчилари учун ва аудит бозорининг ўзи учун ҳам бундай “ғалаба”нинг оқибатларини башорат қилиш қийин эмас.

Болтиқбўйи мамлакатларидан биридаги ҳамкасбларимиз ҳаётидан кизиқарли воқеани мисол сифатида келтираман. Бу ерда маҳаллий аудиторлик ташкилоти нархлар демпинги туфайли аудиторлик хизматларига буюртмаларнинг 80%ини эгаллаб олган.

Шу сабабли мажбурий аудит бўйича аудиторлик хизматларини Рўйхатга киритган ҳолда алоҳида аудиторлик ташкилотининг электрон харидларда “ялпи ғалабаси”нинг эҳтимоллий салбий оқибатларининг олдини оладиган тартибни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, аудиторни танлаш чоғида аудиторларнинг профессионал сифатлари, уларнинг малакаси, фирманинг халқаро тармоққа мансублиги ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олиниши учун уларда иштирок этишнинг оммавийлигини чеклаш керак.

Паст нарх сифат дегани эмас. Тегишинча, аудиторлик ташкилотлари савдоларда ғалаба қозониш мақсадида энг паст нархни эълон қилиш учун иш сифатини пасайтиришлари мумкинлиги ҳатари мавжуд.

Равшан ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Аудиторлар
палатасининг раиси.



МАЛАКА ДОИМО ОШИБ БОРИШИ КЕРАК

2002 йил октябрдан бошлаб Евросийё сертификатланган бухгалтерлар ва аудиторлар кенгаши (ЕСБАК) муддатсиз CAP/CIPA сертификатларини бера бошлади. Ўзбекистонда 5 йил ичида улар эгаларининг билимлари муносиб даражада баҳоланди ва 2007 йил июлдан бошлаб Аудитор малака сертификати бериш тартиби тўғрисида низомнинг¹ (бундан кейин – 977-сон Низом) 2.1-бандига кўра аудитор сертификати олишга доир малака талабларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан республика аудиторлар жамоат бирлашмаси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган ўқитиш дастури асосида аудиторларни тайёрлаш марказларида махсус ўқитишдан ўтиш ва малакали бухгалтерларни халқаро сертификатлаш (“Сертификатланган амалиётчи бухгалтер (CAP)”, “Сертификатланган халқаро малакали бухгалтер (CIPA)” ёки бошқалар) доирасида “Молиявий ҳисоб” предметини муваффақиятли топширганлик тўғрисида ҳужжатнинг мавжудлиги тўғрисидаги меъёр қўшимча қилинди.

Малакали бухгалтер халқаро сертификати (“Сертификатланган амалиётчи бухгалтер (CAP)”, “Сертификатланган халқаро малакали бухгалтер (CIPA)” сертификати ёки бошқаларга) эга бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида иқтисодий соҳада сўнгги 10 йил ичидан камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган талабгорларга малака имтиҳонини топширишга аудиторларни тайёрлаш марказларида махсус ўқитишдан ўтмасдан киритиш кўринишидаги имтиёзлар берилди.

Беш йил мобайнида CAP/CIPA сертификатлари малака ошириш курсларини ўтамасдан ҳақиқий ҳисобланиб келинди. 2007 йил 15 декабрдан бошлаб уларда рўйхатга олиш рақами остида “Малака ошириш гувоҳномаси мавжудлигида ҳақиқий” ёзуви пайдо бўлди. Унга мувофиқ CAP/CIPA сертификатларининг барча эгалари, уларни олиш санасидан қатъи назар, ҳар йили махсус курсларда ўқитиш – семинарлар, давра суҳбатлари, конференцияларда иштирок этиш – йўли билан малакани оширишлари шарт – уларнинг давомийлиги уч йил мобайнида камида 120 соатни ташкил этиши керак.

Бироқ кўпчилик сертификатланган мутахассислар ушбу талабга тегишлича аҳамият бермай, ўзларини чекловларсиз муддатсиз амал қиладиган сертификатга эгалар деб ҳисоблашади. Ушбу янглишиш ўз малакасини тасдиқлаш ёки ушбу сертификатларнинг эгалари учун белгиланган имтиёзларни олиш учун ҳужжат тақдим этиш талаб қилингунга қадар давом этади. Ушбу ҳолда “Малака ошириш гувоҳномаси мавжудлигида ҳақиқий” ёзувига асосан улардан ҳозирги талабларга мувофиқ билимларни доимо янгилаб бориш тасдиғини талаб қиладилар.

Чунончи, Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг² 11-бандига кўра, қуйидаги сертификатлардан бирига эга бўлган даъвогарларга махсус тайёрлов курсини ўтамаган бўлса ҳам имтиҳон топширишга рухсат берилади:

- аудиторнинг малака сертификати (ариза берилган санада мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугашига 6 ойдан кўп вақт қолган бўлса);
- солиқ маслаҳатчиси малака сертификати;
- бухгалтер халқаро сертификати (“CAP - Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи”, “CIPA - Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер” ёки бошқалар),

профессионал бухгалтер сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб, ҳар йили малака оширганлигини тасдиқловчи гувоҳнома мавжуд бўлса.

Энди таъкидлашни хоҳлардикки, молия вазирининг буйруғи билан (АВ томонидан 27.08.2013 йилда 977-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 977-сон Низом 3.1-бандининг 5-кичик бандига ўзгартириш киритилди. Унда назарда тутилишича, аудитор малака сертификати олишга талабгор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига малака имтиҳонини топширишга рухсат беришлари тўғрисида ариза (977-сон Низомга 3-иловага кўра шаклда) тақдим этади. Унга, хусусан сўнгги 5 йил ичида ҳар йили малака оширганлигини тасдиқловчи гувоҳнома мавжуд бўлганда, малакали бухгалтер халқаро сертификатларининг (“Сертификатланган амалиётчи-бухгалтер (CAP)”, “Сертификатланган халқаро малакали бухгалтер (CIPA)” ёки бошқаларнинг) ҳужжат берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган нусхаларини илова қилади. Олинганига камида 5 йил бўлган бухгалтер халқаро сертификати мавжуд бўлганда, ҳар йили малака оширганлигини тасдиқловчи гувоҳномалар нусхалари бухгалтер халқаро сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб тақдим этилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида мутахассисларнинг малакасини ҳар йили оширишга профессионал ташкилотлар ҳам, ЎЗР Молия вазирлиги ҳам ғоятда катта эътибор бермоқда.

CAP/CIPA сертификатларини берган профессионал ташкилотларнинг веб-сайтларида унинг ҳар бир эгаси бўйича ушбу ҳужжатнинг мақоми тўғрисида ахборот олиш мумкин. Бироқ ҳозирги вақтда CAP/CIPA сертификатлари эгаларининг бир профессионал ташкилотдан бошқасига “кўчиш тарзида малака ошириши” кузатиляпти. Сертификатнинг ҳар бир эгаси тўғрисида узлуксиз ва тўлиқ маълумотлар билан таъминлаш мақсадида малака ошириш курсларини CAP/CIPA сертификатлари олинган жойларда ўтказиш маъқул бўларди.

Миновар ТўЛАХЎЖАЕВА,
и.ф.д., CAP, Ўзбекистон бухгалтерлар
ва аудиторлар миллий уюшмаси
Кенгаши раиси.

¹МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 13.10.2000 йилда 977-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

²Молия вазирининг АВ томонидан 12.05.2012 йилда 2361-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.



“ҚАТНОВ ТУСИГА ЭГА”, ёки ЙЎЛ КАРТОЧКАСИ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ

? 30.12.2011 йилдаги ЎРҚ-313-сон Қонун билан Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритилди, уларга кўра 2012 йил 1 январдан бошлаб йўл карточкалари ва овқатланиш учун тўловлар СКнинг 174-“Компенсация тўловлари (компенсация)” моддасига киритилди (илгари улар СКнинг 177-“Моддий наф тарзидаги даромадлар” моддасига киритилар эди).

“Йўловчитранссервис” билан шартномага кўра корхонанинг уч бўлими – маъмурий, техник ва курьерлик бўлимлари учун сотиб олинган 3 та йўл карточкасига ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари солинадими? Уларни сотиб олиш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилган:

ҳаракатланиш ва қатнов тусдалиги ишларни қўллаш билан боғлиқ корхонанинг қўшимча харажатлари, ходимларнинг шахар йўловчи транспортда хизмат қатновлари учун ишлатиладиган йўл карточкаларини харид қилиш учун вакиллик харажатлари ишлар, хизматларни амалга оширишга нарх белгилаш чоғида сметага (прейскурантга) киритилиши тўғрисида муассиснинг қарори. Ушбу харажатлар хизматлар кўрсатиш шартномасига киритилган;

ишлар хусусияти: ускунанинг техник экспертизаси, техник кўриги, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида амалга ошириладиган қўллаш, таъмирлаш ёки ҳисобдан чиқаришга далолатнома-хулосалар бериш. Ускуна буюртмачида кўриқдан ўтказилади;

йўл карточкаларини беришга буйруқ.

Қандай иш қатнов тусидаги иш ҳисобланишини тушунтириб берсангиз. Йўл карточкалари қийматини қандай харажатларга киритиш керак? У меҳнатга ҳақ тўлаш фондида қирадимиз?

– Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 307-моддасига асосан, ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база СКнинг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади, СКнинг 308-моддасида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно.

СКнинг 172-моддасига кўра иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:

рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар (СКнинг 173-моддаси);

компенсация тўловлари (СКнинг 174-моддаси);

ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (СКнинг 175-моддаси).

Компенсация тўловлари жумласига, хусусан, озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш қиради (СКнинг 174-моддаси). Шу тарика, **ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлаш мақсадида** ходимлар учун харид қилинадиган йўл чипталари қиймати компенсация тўловлари ҳисобланади.

СКнинг 171-моддасида назарда тутилишича, доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди. Хуллас, агар ходимларнинг буюртмачиларнинг манзиллари бўйича ўз хизмат вазифаларини бажариш учун юрсалар ва бу шартномаларда назарда тутилган бўлса, уларнинг иши қатнов тусига эгадир. Мазкур шартни шартномаларда кўрсатиш корхонанинг ҳисоб сиёсатида мазкур харажат турини ҳисобга олиш тартибини белгилаш учун етарли асос ҳисобланади. Йўл чиптаси буюртмачиларга хизмат кўрсатиш учун харид қилиниши боис унинг қиймати жисмоний шахснинг даромади ҳисобланмайди, демак, СКнинг 172-моддасига кўра, у ЯИТ



ва суғурта бадаллари солиш объекти бўлмайди.

Йўл карточкаларини, масалан, февраль учун, харид қилиш харажатлари қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

февраль учун олдиндан ҳақ тўлаш январда амалга оширилган

Д-т 3120-“Олдиндан тўланган хизмат ҳақи”

К-т 5110-“Ҳисоб-китоб варағи”;

тарқатиш қайдномаларини тузиш ва ходимларнинг олганлик ҳақидаги имзолари – проводкаларсиз;

февралнинг охири кунда тарқатиш қайдномаси асосида

Д-т 2010-“Асосий ишлаб чиқариш”,

9410-“Сотиш харажатлари”

К-т 3120-“Олдиндан тўланган хизмат ҳақи”.

Шу тарика, йўл карточкалари қиймати юридик шахснинг харажати ҳисобланади ва алоҳида олинган ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондида киритилмайди.

Жавобни
Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар
миллий уюшмасининг экспертлари
тайёрлади.



МУАММО ШУНДАКИ...

БАҲО ҲАМ БИР СИЁСАТ ёки АРЗОН ХИЗМАТЛАРГА УЧМАНГ

Жорий йилнинг 1 майига бўлган ҳолатга кўра мамлакатимиз бозорида 104 та аудиторлик компанияси фаолият олиб бораётган бўлиб, шулардан 69 таси барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари, 12 таси эса хўжалик юритувчи субъектларда (ОАЖ, банк ва сугурта компаниялари бундан мустасно) ташаббус асосидаги ва мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказишга ҳақли. 23 аудиторлик ташкилоти эса фақат ташаббус асосидаги аудиторлик текшируви ўтказиши мумкин. Ўтган йили аудиторлик ташкилотларининг жами тушуми (32 млрд сўм) ўсиши 8,4 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда аудит зарур бўлган корхоналар оз эмаслиги, қолаверса, мунтазам равишда янги-янги компаниялар ташкил топаётганлиги эътиборга олинса, жами тушумнинг ўсиш суръати жуда суст деб айтиш мумкин. Сабаби нимада? Бу саволга жавобни аудиторларнинг ўзидан топиш мумкин. Гап аудиторлик компанияларининг баҳо сиёсати тўғри эмаслигида ёки бундай сиёсат умуман йўқлигидадир.

Бундай сиёсатнинг йўқлиги хўжалик юритувчи субъектларни текширув қиймати ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган маълумотлар асосида айрим аудиторлар демпинг қилишига олиб келмоқда, улар ҳатто ўтган йилга нисбатан ҳам камроқ қиймат таклиф этмоқдалар. Баҳо борасидаги бундай таклиф негизида арзонгаров аудит ўтказиш йўли билан аудитор бу миқдorni ўзига оғдириб олади деган илинж бор деб тахмин қилиш мумкин. Сарф-харажатни компенсация қилиш мақсадида келаси йили қийматни оширишни мўлжал қилсалар керак. Бироқ келгуси йили бошқа аудиторлик компанияси келиб, бултургидан ҳам пастроқ баҳони айтади. Натижада аудиторлик хизматлари, айтайлик, 2009 йилда 2013 йилдагига нисбатан анча қимматроқ бўлади (алоқа, ахборот-излаш тизимлари хизматлари, тармоқ ва сайт техник мадади, банк, реклама хизматлари ҳамда аудит муваффақиятини таъмин этувчи бошқа хизматлар анчагина қимматлашган бир шароитда шундай бўлмоқда). Жуда ғалати туюлмаётими? Наҳотки аудиторлик ташкилотлари фойдаланаётган хизматлар баҳоси кўтарилиб, ходимларининг иш ҳақи ошиб бораётган бир алфозда аудиторлик хизматлари баҳоси камайиб бораётган бўлса?!

Аудит ўтказишга қаратилган тендер ёки танловни ҳар қандай йўл, ҳар қандай баҳо билан ютиб чиқиш истагида талабгорлар ўз хизматлари қийматини бир неча баравар камайтиришга ҳам тайёр. Лекин сифатли аудит арзонга тушармикан, миқдор таннарихидан арзонроқ бўлган хизматга мойиллик билдирганда, сифатли сервис олишни ўйлармикан, бундай аудитдан қандай наф бўлиши мумкин, шу йўсин хизмат кўрсатишга жазм этганлар зиммага қандай масъулият оладилар деган саволлар кўндаланг бўлиши турган гап. Негаки, миқдорнинг молия-хўжалик фаолияти асносида қўшимча ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки ортиқча тўланган солиқ борасида таҳдид-таваккалчиликлар ҳам келиб чиқиши мумкинки, бу ҳол миқдорнинг фаолияти ривож топиши ва яхшилашиб боришига ёрдам бермайди, албатта.

Тўғри, аудиторлик ташкилоти ўз хизматларини таннарихидан арзонроқ сотишга ҳам тайёр ҳолатларни истисно қилиб бўлмайди. Айтайлик, донғи оламни тутган фирма номига эга бўлган миқдор билан иш олиб бориш аудиторлик ташки-

лотига молиявий натижадан ҳам азизроқдир. Бироқ ана шу йўсиндаги ҳамкорлик фақат чоғроқ аудиторлик ташкилотини, хусусан, бундай бозорга эндигина чиққан ёки хизматининг сифати ва ишончилиги кўпчиликка маълум бўлмаган аудиторлик ташкилотини қизиқтириши мумкин, холос.

Йирик аудиторлик компанияси бу таҳлид ишларга, аниқроғи демпингга шунчаки бўш вақтни банд қилиш, кафолатланган иш орасида қўли бўшаб қолган мутахассисларини ишлатиш учунгина жазм этиши мумкин. Аммо бу компания исталган вақтда, бирмунча қулай буюртма келиб тушиши билан рентабелли бўлмаган битимни бажаришни кейинроққа суриб қўйиши ёки бу ишдан умуман воз кечиши мумкин.

Ўз тажрибамиздан келиб чиқиб, ҳамкасабаларга хизматлари қиймати калькуляциясини ишлаб чиқишни маслаҳат берган бўлур эдик. Калькуляцияда у ёки бу корхонани текширишда компания қиладиган барча харажатларни, хусусан, ходимларнинг иш ҳақини, шу жумладан сифатни ва менежерлар ишини назорат қилиш билан боғлиқ харажатларни, офис ижараси харажатини, ходимлар маলাкасини ошириш, ISO 9001:2008 билан боғлиқ харажатларни, аъзолик бадалларини, техник ва норматив-ҳуқуқий таъминот, транспорт ва бошқа харажатларни инобатга олиш зарур.

Миқдорларнинг арзон аудитга муносабати эса бутунлай бошқа мавзу. Улар бундай аудитни ихтиёр этган тақдирда хизматлар баҳоси ўз қийматидан қанча кам бўлса, аудит ўтказишга сарфланадиган вақт ҳам шунча кам бўлишини эътибордан қочирмасликлари керак. Кейинчалик ҳисобот ва ҳисобларда аниқланмай қолган кемтиклик ва камчиликлар хусусидаги даъволарни тинглар экансан, бунга ўзингиз сабабчи деб айтгинг, арзон шўрва татимас деган мақолни эслатгинг келади. Аудитор аудитни арзон баҳода, сурункасига эмас, танлаб-танлаб ўтказган экан, қандайдир хатоликлар унинг диққат-эътиборидан четда қолиши эҳтимолдан холи эмас. Шундай экан, унга бу борада даъво қилиш ўринсиздир.

Шу сабабли ҳам камхарж аудиторлик хизматларини танлаган эканмиз, воқеалар ҳар қанча йўналишда кечишига тайёр бўлишингиз, бинобарин, шартнома бажарилмаслиги, ишни охирига етказишдан бўйин товлаш, хизмат сифатли эмаслиги, кафолатлар йўқлиги, маҳсулот етказиб берувчининг банкрот бўлиши ва шу сингари “тухфа”ларга тайёр туришингиз лозим.

Давлат улушига асосланган корхоналарда аудит ўтказиш борасидаги тендерларда йил сайин иштирок эта бориш асосида хизматлар қийматини пасайтиришимиз мумкин. Зотан ихтиёрида 10-15 нафар ходими бўлган аудиторлик компаниясининг 100 дан ортиқ бўлинмаси бўлган корхо-

наларда аудит ўтказаман деб чираниши мумкин эканлиги тушунарсиздир. Боз устига, у яна бошқа ўнлаб мижозлар билан иш олиб бориши зарур.

Ҳар қандай товарни танлашда бўлгани каби аудиторлик хизмати кўрсатувчини танлаш ҳам “баҳо – сифат”нинг энг мақбул нисбати принципида ўтказилгани яхши. Негаки, харид қилишдан олдин истеъмол хусусиятларига баҳо бериш мумкин бўлган товардан фаркли равишда аудиторлик хизматини кўрсатилганидан кейин ҳам баҳолаш ҳийла мураккабдир. Кўпинча бундай хизмат баҳоси назорат қилувчи идоралар корхоналарни текширган вақтдагина аён бўлади.

Аудиторларнинг талаб даражасидаги яхши иши, бундай ишнинг кафолати арзон бўлиши мумкин эмас. Мабодо мижоз корхонада бухгалтерия ҳисоби батартиб, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини истаса, энг аввало, аудиторлик компаниясининг ходимлари

миқдори, аудиторлик текширувини ўтказишнинг шартномада ҳамда аудит режасида кўрсатилган муддатларини ва муносиб қиймати сингари кўрсаткичларига қараш зарур. Биз шунингдек шартномада аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ва назорат қилувчи идоралар текшираётганда ҳамроҳлик қилиши сингари бандлар бўлишига эътибор қаратишни тавсия қиламиз.

Кўпгина корхоналар аудиторлик текширувларини йил чораги бўйича ўтказадилар. Бу эса МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА ТЕКШИРУВДА ЭМАС, БАЛКИ ЙИЛ МОБАЙНИДА бартараф этиш имкониятини беради. Бундан ташқари, йил чораги бўйича аудиторларнинг ҳамқадам бўлиши аудиторлар йил мобайнида мунтазам иш олиб боришини кафолатлайди.

Виктория ПЕТРЯЕВА,
“Marikon Audit” МЧЖ директори/аудитори.



ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

IFAC ДАВЛАТ СЕКТОРИ УЧУН СТАНДАРТЛАР ЛОЙИХАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Бухгалтерлар халқаро федерацияси (IFAC)нинг Давлат секторида молиявий ҳисоб ва ҳисоботининг халқаро стандартлари бўйича кўмитаси (IPSASB) стандартларнинг 5 та дастлабки лойиҳасини (ED) эълон қилди: ED 48 “Якка тартибдаги молиявий ҳисобот”; ED 49 “Консолидацияланган молиявий ҳисобот”; ED 50 “Уюшган ва қўшма корхоналарга инвестициялар”; ED 51 “Қўшма фаолият”; ED 52 “Бошқа корхоналарда иштирок этиш тўғрисидаги ахборотни очиб бериш”.

Истикболда улар амалдаги “Консолидацияланган ва якка тартибдаги молиявий ҳисобот”, “Уюшган корхоналарга инвестициялар”, “Қўшма корхоналарда иштирок этиш” стандартларининг ўрнини босиши режалаштириляпти. Уларни янгилашдан мақсад молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга (IASB) яқинлаштиришдан иборатдир. Янги қабул қилинадиган стандартларнинг молиявий ҳисобот халқаро стандартларидан фарқларини давлат секторининг хусусиятлари тақозо этиши керак.

ED 48 лойиҳасида мустаҳкамланган якка тартибдаги молиявий ҳисоботга доир талаблар амалдаги IPSAS 6 стандарти талабларига яқин. Уни ишлаб чиқишдан мақсад – бутун дунёда молиявий ҳисобот сифатини ошириш ва уни топширишни келиштириш. Мазкур стандарт давлат секторида молиявий ҳисоботнинг очик-ошкорлигини таъминлаши кутилмоқда.

ED 49 “Консолидацияланган молиявий ҳисобот” лойиҳасида назоратнинг янги таърифи киритилган, шунингдек уни баҳолаш бўйича кенгайтирилган қўлланма таклиф этиляпти. Амалдаги IPSAS 6 стандартидан фарқ қилиб, янги таърифнинг назоратни амалга ошириш чоғида олинадиган фойданинг хусусияти ва ҳажмига таъсир кўрсатиши мумкинлиги эътиборга олинапти.

Шунингдек лойиҳада “инвестиция

компанияси” деган янги тушунча пайдо бўлмоқда. Инвестиция компанияси назорат қилинувчи компанияга ўз инвестицияларини, фойда ва зарарни ҳисоблаб, адолатли қийматга мувофиқ баҳолайди. Инвестиция компаниясини назорат қилувчи корхонанинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган усул бўйича тегишли ҳисоб-китоблар акс эттирилади. Агар IPSAS 6 стандартида вақтинча назорат қилинадиган корхоналарни консолидацияланган ҳисоботдан чиқаришга йўл қўйилган бўлса, ED 49 лойиҳасида бундай чиқариш тақиқланган.

Мавжуд IPSAS 7 стандартдан фарқ қилиб, янги ишлаб чиқарилаётган ED 50 “Уюшган ва қўшма корхоналарга инвестициялар” лойиҳаси ҳисобда вақтинча инвестицияларни турлича акс эттиришга рухсат бермайди. Умуман олганда, у уюшган ва қўшма корхоналарга инвестициялар ҳисобида фойдаланиладиган улушли иштирок этиш усули қўлланишини тушунтириб бериши керак. Лойиҳада ушбу усул қўшма корхоналарга қилинадиган инвестицияларга ҳам татбиқ этилиши назарда тутилган.

ED 51 “Қўшма фаолият” лойиҳасида қўшма фаолият хилма-хил турларини классификация қилиш ва ҳисобга олиш таклиф этилган. Бунда қўшма фаолиятни қўшма корхоналар ёки қўшма операциялар тарзида классификациялаш

таклиф этилади. Қўшма операциялар бўлганда уларнинг тарафлари активлар ва мажбуриятларга доир ҳуқуқларга эга бўлишади. Қўшма корхона бўлганда қўшма фаолият тарафлари қўшма фаолиятга тааллуқли соф активларга доир ҳуқуқларга эга бўладилар.

Қўшма фаолиятни 3 турга: қўшма назорат қилинувчи корхоналар, қўшма назорат қилинувчи операциялар ва қўшма назорат қилинувчи активларга классификациялайдиган IPSAS стандарти эса мазкур масалани ҳал этишга бошқача ёндашувни таклиф этади.

ED 52 “Бошқа корхоналарда иштирок этиш тўғрисидаги ахборотни очиб бериш” лойиҳаси амалдаги IPSAS 6–8 стандартларида мавжуд бўлган очиб бериш тўғрисидаги талабларни бирлаштиришни назарда тутди. Унда янги, шу жумладан консолидацияга тушмаган корхоналарга нисбатан ҳам талаблар таклиф этилади.

Стандартларнинг лойиҳалари билан Бухгалтерлар халқаро федерацияси (IFAC)нинг ifas.org расмий сайтида таништириш мумкин. Унга шарҳларни 28 февралгача Давлат секторида молиявий ҳисоб ва ҳисоботининг халқаро стандартлари бўйича кўмитасининг ipsasb.org сайтидаги белгиланган шакл бўйича ёки stepheniefox@ipsasb.org электрон манзили бўйича юбориш мумкин.

<http://www.ipbr.org/news/ipar/2013/10/24/ed/>

КАСАЛ БЎЛГАН ХОДИМНИ ИШДАН БЎШАТИШ

Ходим иш берувчини 2 ҳафта олдин огоҳлантириб, ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаиш тўғрисида ариза берди. Бироқ ишдан бўшаишга 3 кун қолганда касал бўлиб қолди. Ушбу ҳолда у билан меҳнат шартномасини аризасида кўрсатилган муддатда бекор қилиш мумкинми? Ёки унинг соғайишини кутиш керакми?

**С.Брезинская,
кўп йўналишли
компаниянинг
HR-менежери.**

— Ҳа, мазкур ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишининг мумкинлиги эмас, бундай қилишга мажбурсиз ҳам.

Иш берувчи 2 ҳафталик огоҳлантириш муддати тугаган кунда ходим билан меҳнат шартномасини, ҳатто ушбу даврда ишдан бўшовчи касал бўлган ва икки ҳафта ўтганидан кейин ҳам касал бўлганда ҳам, бекор қилиши шарт. Зеро иш берувчини огоҳлантириш муддатида ҳар қандай даврлар, шу жумладан ходимнинг таътилда бўлиши, унинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги, у давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажариши даврлари ҳам киради.

Бироқ, шуни эътиборда тутиш лозимки, Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича

нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг АВ томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 3-бандига мувофиқ умумий қоидага кўра ходимга нафақа, агар уни олиш ҳуқуқи иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган даврда (синов даври ҳамда ишдан бўшатилган кунни ҳам қўшиб) пайдо бўлса берилади. Шу сабабли агар ходим огоҳлантириш муддати даврида ёки ҳатто унинг охири кунда касал бўлиб қолса, касаллик варақасини тақдим этиб, касалликнинг бутун даври учун, иш берувчи билан меҳнат шартномаси бе-

кор қилиб бўлинганига қарамай, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга.

Баъзи раҳбарлар ходим билан меҳнат шартномасини унинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида ёки у меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлиши вақтида бекор қилишга ҳақли эмас деб хато фикрлайдилар. Аммо мазкур қоида меҳнат шартномасини бекор қилиш иш берувчининг ташаббусига кўра юз бергандагина амал қилишини эслатиб ўтамиз.

**Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.**

БУХГАЛТЕРИЯДАГИ МАГИСТРАНТ

Мен МЧЖда бухгалтер бўлиб ишлаб туриб, магистратурага ўқишга кирдим. Ҳозир ишлаб туриб ўқияпман. Мени ўриндошликка ўтказишди, чунки раҳбаримиз биринчи ўринда — магистратурада ўқиш туради дейди. Мен эса унга меҳнат дафтарчам ўқиш жойида эмас, ишхонада эканлигини тушунтирмакчи бўламан.

Раҳбарнинг бундай ёндашуви нотўғрилигини тушунтириш учун мен қандай қонун ҳужжатига ҳавола қилишим мумкин?

**Х.Шафранова,
Тошкент шаҳри.**

— Иш берувчининг ўқишдан бўш вақтда иш бажарилиши керак деганда ҳақлидир. Бироқ сиз билан ўриндош сифатида меҳнат шартномасини тузиш масаласида янглишайпти, чунки ўқув юрти сиз учун асосий иш жойи ҳисобланмайди.

Меҳнат кодексининг (МК) 72-моддасига мувофиқ, агар талабага унинг розилиги билан меҳнат вазифасини (муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни) бажариш топилса ва у ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсуниб мажбуриятини олса, бундай муносабатлар меҳнат муносабатлари сифатида баҳоланиши ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ — **тўлиқсиз иш кунни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланиб** (МК 119-моддасининг биринчи қисмига кўра) расмийлаштирилиши керак.

Шу сабабли сизнинг ҳолатда ўриндошликдан тўлиқсиз иш вақти белгиланган ишга ўтказиш қайд этилган меҳнат шартномасини қайта тузиш лозим ва у сиз учун асосий иш жойи бўлади. Иш берувчи, агар сиз ушбу ташкилотда 5 кундан ортиқ ишлаган бўлсангиз, меҳнат дафтарчангизни юритиши шарт (МК 81-моддасининг иккинчи қисми).

Бунда шуни эслатиб ўтамизки, тўлиқсиз иш вақти шартли билан ишлаётган ходимлар ҳам меъёрга мувофиқ давом этадиган иш кунни белгиланган ходимлар сингари айна шундай меҳнат ҳуқуқларидан (йиллик асосий таътил муддати, меҳнат стажини ҳисоблашда) фойдаланадилар, бироқ ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади (МК 119-моддасининг иккинчи қисми).

КЎРСАТМА БЎЙИЧА ИШГА

Мени қонунга хилоф равишда ишдан бўшатишди. Мен Меҳнат вазирлигига мурожаат қилдим. Аризам билан меҳнат инспекцияси шугулланди.

Меҳнат инспекцияси мени ишга тиклаш тўғрисида кўрсатма бериши мумкинми?

— Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси (бундан кейин — Инспекция) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисида низомни (ВМнинг 19.02.2010 йилдаги 29-сон қарорига 2-илова, кейинги ўринларда — Низом) 2-банди).

Низомнинг 7-бандига мувофиқ, Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида ташкилотлар томонидан меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида меҳнатга оид

муносабатлар субъектларининг, шу жумладан, касаначилик шароитларида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ходимларнинг ҳамда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол боқишгаётган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди; меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишнинг аниқланган далиллари бўйича уларни бартараф этиш ҳамда уларнинг юзага келишига имкон яратадиган шароитларни бартараф этиш учун ҳуқуқий муносабат билдириш чораларини кўради.

Низомнинг 8-бандига кўра Инспекция қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкилотларда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўрганиш ва текшириш ўтказиш;

ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслардан аниқланган меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари бартараф этилишини талаб қилиш;

ташкилотларнинг меҳнат ва аҳоли


бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид бўлган буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш, зарур ҳолларда эса белгиланган тартибда уларни бекор қилиш бўйича Вазирликка таклиф киритиш;

ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш (Низомга 1-илова)¹;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги баённомани ҳамда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги юзасидан жарима солиш тўғрисидаги қарорни Низомга 2-иловада белгиланган шакл бўйича расмийлаштирган ҳолда айбдор мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

ташкилот ва ходим ўртасидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш.

Шу тариқа, Инспекцияга ходимларни ишга тиклаш бўйича ваколатлар берилмаган, бироқ у меҳнат қонунчилигини бузган ҳолда чиқарилган, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш тўғрисида кўрсатма беришга ҳақли. Агар у кўрсатма устидан шикоят қилинган даъво билан судга мурожаат этмаса, иш берувчи ушбу кўрсатмани бажариши шарт.



ЎРИНДОШЛИК ВАҚТ БИЛАН ЧЕКЛАНГАН

Агар ходим ўриндошлик бўйича бир нечта ташкилотда ишласа, иш берувчи ўриндошга 20 соатлик иш ҳафтасини белгилаши мумкинми?

— Ўриндошлик асосида ишлаш — ходимнинг ўзининг асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир. Ушбу муносабатлар Меҳнат кодекси ва Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин — Низом) билан тартибга солинади.

Ўриндошлик асосида ишлашга, агар Низомда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, асосий иш жойида (ички ўриндошлик) ёхуд бошқа ташкилотда (ташқи ўриндошлик) ишлашга йўл қўйлади (Низомнинг 5-банди). Унинг давомийлиги **ходимларнинг мазкур тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак**, кунлик ишнинг давомийлиги эса (асосий иш жойи ва ўриндошлик бўйича қўшиб ҳисоблаганда) 12 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак (Низомнинг 7-банди).

Ходим билан ўриндошлик асосида ишлаш учун тузилдиган меҳнат шартномасида Меҳнат кодексига белгиланган талаблар билан биргаликда иш вақтининг давомийлиги мажбурий тартибда кўрсатилади (Низомнинг 8-банди).

Бинобарин, иш берувчи ўриндошга, ходимларнинг мазкур тоифаси учун иш вақти нормасининг ярмидан оширмай, 20 соатли иш ҳафтасини (5 кунлик иш ҳафтасида) белгилашга ҳақли. Бунда у ўриндошларнинг иш вақти ҳисобини ўзи юритиши керак. Агар ўриндошнинг меҳнатига вақт бўйича, яъни ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланса, ходим ушбу соатларни иш вақтини ҳисобга олиш табелида кўрсатган ҳолда белгиланган вақт (ҳафтасига 20 соат) ишлаб беришдан манфаатдор бўлади.

Агар ходим уч-тўртта ташкилотда ўриндошлик билан шугулланса, унда ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари ўзгаради (масалан, уларнинг ҳар бирида бир соатдан ишлаган ҳолда). Шу сабабли тегишли шартларни меҳнат шартномасида ҳам кўрсатиш керак. Бундай ҳолда ҳар бир ташкилотда ҳақ тўлаш унда ишланган вақтга мутаносиб тарзда амалга оширилади (Низомнинг 11-банди).

¹Кўрсатма юқори турувчи Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ёки судга тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун ичида унинг устидан шикоят қилиши мумкин.

Музейга кираверишда биз, бир гуруҳ криминалист экспертларни музей раҳбарининг ўзи кутиб олди. У илгари жиноят қидирув ходими бўлиб ишлаган ва ёшга кўра истеъфога чиққач, музейга директорлик қилиш билан бирга экскурсоводликни ҳам олиб борар экан. Гап-сўзларидан унинг аввалги ишига иштиёқи ҳамон баланд эканлиги билиниб турарди. Бир дунё қизиқарли ишлар ёдида эканлиги учун ҳам экскурсия иштирокчилари унинг ҳикояларини мароқ билан тингладилар.

Музейда ҳар хил ашёвий далиллар тўпланган бўлиб, уларнинг орасида қотиллик қуроллари ҳам, тунаш учун уйни бузиб киришда ишлатилган ғалати воситалар ҳам бор эди. Воқеа содир бўлган жойлардан олинган суратлар, ҳар хил жиноят ишларига тааллуқли ҳужжатлар стендларга чиройли қилиб қўйилган. Стендлардан бирида қалбаки пуллар намойишга қўйилган экан. Криминалист эканлигимизни инобатга олиб, музей раҳбари бу пулларни ушлаб кўришимизга рухсат берди. Баъзи пуллар сохта, ясама эканлиги бир қарашдаёқ яққол сезилиб турарди.

Аммо иккита жиноят ишига тааллуқли пул купюралари эътиборни тортди. Ўша йиллари Ғарб мамлакатларида тўлақонли валюта сифатида қабул қилинадиган ягона пул бўлганлиги сабабли ҳам асосан 10 рубллик қалбаки пулларни ясашга ҳаракат қилишган.

Ёши улугроқ замондошларимиз ўша кезлари 10 рублга бир ҳафта яшаш мумкинлигини яхши билишади. Мамлакат миқёсида энг кўп ишлатиладиган бўлгани учун ҳам уни сохта йўл билан тайёрлашга уриниш ҳоллари ҳам кўп бўлган. Йирикроқ пуллар, хусусан 50 ва 100 рубллик купюралар муомалада кўп бўлмагани учун ҳам уларни сохтакорлик билан тайёрлаш анча хатарли бўлиб, оддий дўкондаги сотувчи ҳам шубҳага бориши ҳеч гап эмас эди.

Стендлардан олинган бир нечта 10 рублликларни ушлаганча, қийсلاш



ёки ИСТЕЪДОД ХАЙФ, АГАР У ТЎҒРИ ЎЗАНДА БЎЛМАСА

Яқинда газеталардан бирида бундан бир неча йиллар муқаддам, аниқроғи, XX асрда Францияда қалбаки пул яшаш билан шуғулланган кимса ҳақидаги мақолага кўзим тушди. Шунда Россиянинг йирик шаҳарларидан биридаги криминалистика музейига қилинган экскурсия эсга тушди. Сохта, қалбаки пул ясаيدиган фирибгарлар ҳамиша ҳамма мамлакатларда бўлганлиги бор гап. Уларга ҳар қандай давлатда биринчи ўриндаги ғаним деб қаралган ва қонунга хилоф фаолияти учун уларни қаттиқ жазолашган.

учун чўнтагимиздан ўз пулларимизни чиқардик. Криминалист экспертлик билан боғлиқ ишимиз асосида сохта пулларга дуч келганмиз, шу сабабли ҳам сохта купюрани аслидан фарқлаш мумкин бўлган белгиларни яхши билардик. Нотабий ранг, расм фрагментларининг ноаниқ, ёйилиброқ турганлиги шундай белгилар сирасига киради. Купюралар баъзан қоғозининг қалинлиги бўйича, энг асосийси эса қуёшга, ёруғликка тутганда сувқоғоз белгилари йўқлиги билан фарқланарди.

Йигирмадан ортиқ купюрадан сохталик аломатларини сира тополмадик. Улар кўринишидан ҳам, қўл билан ушлаб кўрилганда ҳам чўнтагимиздан чиқарган ўз пулларимиз билан тамомила бир хил эди. Бунинг устига ёруғликка тутиб қаралганда, сувқоғоз белгилари кўзга ташланиб турарди. Кўздан кечириб бўлгач, экскурсоводимизга ҳайрон бўлиб қарадик. У мийиғида кулганича, сохтакорлик белгиларини топган-топмаганлигимизни сўради. Биз очигини айтдик. Битта ҳам бундай белги топмаганимиз учун ҳам бу купюралар ростдан ҳам қалбаки, ясама эканлигини суриштиришга тушдик, асп купюралардан қандай қилиб фарқлаш мумкинлигини сўрашдан ҳам тортинмадик.

Музей соҳиби купюралар қалбаки эканлигини айтгач, уларни текшириш фақат сиз, меҳмонларгагина мушкул бўлмаган, ана шу иш юзасидан лаборатория шароитида текшириш олиб борган экспертлар ҳам қийналишган деб таъкидлади. Ўша шаҳар криминалистика лабораториясида ўтказилган дастлабки криминалистик экспер-

тиза пулларни ҳақиқий деб хато хулоса берган экан. Москвада, криминалист экспертлар ва "Госзнак" мутахассисларидан иборат комиссия ўтказган такрорий экспертиза асосидагина купюралар юксак даражада тайёрланган бўлса-да, чиндан ҳам қалбаки деб хулоса берган экан. Қизиғи шундаки, баъзи белгиларига кўра улар "Госзнак" фабрикасида тайёрланган купюралардан сифатлироқ экан.

Музей раҳбарининг айтишича, тезкор маълумотлар асосида бу қалбаки пул ясовчининг изига тушишган. Унинг ертўласидан барча зарур ускуналар билан жиҳозланган бутун бир лаборатория топилган. Ускуналарни унинг ўзи тайёрлаган экан. У бир пайтлар "Госзнак" фабрикасида ишлаган, ўшанда пулни нимадан ва қай йўсида қилишларини яхши ўзлаштириб олган экан.

Биринчи экспертизада текширувдан ўтказилган ўнлаб купюраларнинг қалбаки эканлиги хусусида далилларга эга бўлингач, тергов иккинчи экспертизани тайинлаган экан. Акс ҳолда қалбаки пул ясовчи бу ўта моҳир кимсанинг қинғирлигини объектив далиллар билан исботлаш қийин бўларди (у жиноятини бўйнига олиб, жазоси енгилроқ бўлиши умидида тергов билан ҳамкорлик қилишни лозим топибди ва қалбаки 10 рублликларни тайёрлаш жараёнини бажонидил кўрсатиб берибди).

Музейбон қалбаки ишга қўл урган моҳир уста ҳақида фархрланганнамо гапирар экан, "Госзнак" мутахассислари биздан айбланувчи озодликдан махрум этишга қанча муддатга ҳукм қилинишидан бохабар этишни сўрашди деб айтди. Афтидан, озодликка чиққанидан кейин уни ўзларига ишга таклиф этишни мўлжаллаган кўринадилар. У ясаган қалбаки купюралар зарбхонада босилганидан сифатлироқ эканлиги уларни ҳайрат ва таажжубда қолдирганди...

Бошқа ишга тааллуқли купюраларнинг "дунёга келиш" тарихи ҳам қизиқ. Яхши бир рассом бўлган экан, Ижод аҳлига мансуб кишиларнинг аксариятида бўлганидек, у ҳам доимий даромад манбаига эга эмас экан. Баъзи кунлари чизган расмини сотса ёки портрет чизиш учун буюртма олса, ҳаммаси жойида — маъмурчилик, у кишига етадигани йўқ. Бошқа кунлари эса тушлик қилиш учун ёнида беш мири ҳам бўлмас экан.

Ана шунақа, чўнтагида шамол кезиб, ҳоли танг бўлган кунлардан бирида у пул расмини чизиб кўришга аҳд қилибди. Истеъдодли мусаввир эмасми, бироз вақт машқ қилгач, 10 рубллик купюрани қотириб чизибди. Ташқи кўринишдан аслидан фарқ қилмайдиган бу пул учун "модель" сифатида ошнасида қарзга олиб турган купюралардан фойдаланибди. Ўз ижоди маҳсули бўлган пулни ёнига солиб, уйдан бир мунча олисроқдаги дўконга бориб, ёгулик сотиб олмоқчи бўлибди. Мабоодо дўконда пулнинг сохталлигини пайқаб қолишса, кўчадан топиб олдим деб ўзимни оқлайман деган ҳаёлда ишонарли бўлиши учун купюрани эскирганроқ ҳолатга туширибди, у ер-бу ерини доғ-дуг қилибди.

Дўкон сафари кутилганидан ҳам аъло бўлибди. Ўша кезлари кассаларнинг олди ҳамиша тирбанд бўларди — кассир 10 рублликка эътибор ҳам қилмай, касса қутисига тикиб, озроқ қайтим қайтарибди. Бечора мусаввир ўзида йўқ хурсанд: "асари" энг зарур маҳсулотларга, ҳатто бир шиша винога ҳам етиб ортди. Шу зайил у биринчи қинғирлигини ювган бўлди. Эртаси куни буюртма келиб қолгач, пул расмини чизшга ҳожат бўлмабди. Аммо яна танг аҳволда қолгани ҳамони, 10 рубллик купюрани чиза бошлабди...

Аҳвол шу ҳолда давом этаверибди. Қўлига пул тушган кезлари у қалбаки пул яшаш, аниқроғи чизиш билан шуғулланмаган. Тановул қилишга ҳеч нарсаси қолмаган кезлари эса битта-иккита купюра "ижод этган". Бир сўз билан айтганда, қалбаки пул тайёрлаш унинг учун асосий машғулот эмасди, заруратдан вақти-вақти билан бунга қўл уради, холос. Лекин бу ҳол ҳуқуқ-тартиботни сақлаш идоралари уни қўлга олиб, қалбаки пул ясаганлиги учун ҳукм қилишларига тўсқинлик қила олмади. Тўғри, унга юқорида тилга олинган "ҳамкасабаси"га нисбатан камроқ муддат бердилар.

Рассом чизган купюраларни кўздан кечириб, уларда қалбакиликнинг ташқи белгиларини топа олмадик. Ҳаммаси жуда аниқ ишланган, бўёқлари ҳам яхши танланган эди. Ёруғликка солиб кўрилгандагина сувқоғоз белгилари йўқлиги аён бўлди. Рассом мос келадиганроқ қоғоз топган бўлса ҳам, у тайёрлаган купюра-асл купюралардан фарқ қилишини бармоқ билан, ушлаб аниқлаш мумкин эди. Бинобарин эътиборлироқ одам қалбакилигини сезиши қийин эмасди. Айтиш жоизки, рассомнинг анчагача омади юришиб турди — дўконлардаги тирбанд, навбат, асабийлашган харидорларнинг гап-сўзларидан толиққан кассирлар одатда узатилган купюрага унча эътибор бермайдилар. 50 ёки 100 рубль қийматдаги купюраларгагина диққат-эътибор беришади. Хуллас, пул чизишга ихтисослашган мусаввирнинг иши синчков кассир аёл унинг навбатдаги "асар"ини ёруғликка тутиб кўргунига қадар давом этди...

Музей раҳбари бу воқеани тўлқинланиб сўзлар экан, биз, ёшлар кулгига олиб, ўша рассомга ҳавас қилса бўларкан, пулдан қийналдингми, шундоққина чизасану хоҳлаган купюранга эга бўласан, қандай яхши-я деб қўйдик. Кулгу ўз йўлига, аммо пулни қалбакилаштириш, юқорида айтганимиздек, ҳамма даврларда ҳам қаттиқ жазоланган. Баъзан ўлим жазосига ҳукм қилишган.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Республика суд экспертизаси
марказининг давлат суд эксперти.



Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАБСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУХАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru,
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуктаи назарида мос келавермайдиган.
Тахририят муштарийлар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайлиқ билан тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета ношир — "Norma" МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди
(Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс — 186 Буюртма 1252 Адади 2134. Баҳоси келишилган нархда
Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 11 ноябрда соат 18.30 да топширилди. ISSN 2010-5223